

ЭНГ МЎЪТАБАР, ҚАДИМГИ ҚЎЛЁЗМАМИЗ «АВЕСТО»НИНГ ЯРАТИЛГАНИГА 3000 ЙИЛ БЎЛЯПТИ. БУ НОДИР КИТОБ БУНДАН XXX АСР МУҚАДДАМ ИККИ ДАРЁ ОРАЛИГИДА, МАНА ШУ ЗАМИНДА УМРГУЗАРОНЛИК ҚИЛГАН АЖДОДАРИМИЗНИНГ БИЗ АВЛОДЛАРИГА ҚОЛДИРГАН МАЪНАВИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОСДИР. «АВЕСТО» АЙНИ ЗАМОНДА БУ ҚАДИМ ЎЛКАДА БУЮК ДАВЛАТ, БУЮК МАЪНАВИЯТ, БУЮК МАДАНИЯТ БЎЛГАНИДАН ГУВОҲЛИК БЕРУВЧИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТДИРКИ, УНИ ҲЕЧ КИМ ИНКОР ЭТОЛМАЙДИ.

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙОСИЙ-ИЈТИМОИЙ ГАЗЕТАСИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2 ноябрь кунин Оқсаройда Австрия Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер хонимни қабул қилди.

Таъкидламоқ керакки, икки мамлакат ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён яқин ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистон билан Австрия ўртасида айниқса сийосат, экология, хавфсизлик, маданият, таълим соҳаларида қалин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Яқинда Австрияда «ORF» телекомпанияси «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусиқа фестивали ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган кўрсатувларни намойиш этди. Австрия федерал ташқи ишлар вазирининг бу галги ташрифи чоғида эса икки мамлакат ўртасида Хавфсизлик ҳосасидаги



ҳамкорлик ва уюшган жиноятчиликка қарши биргалликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро битим қабул қилинди. Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада



мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашди. **■ Абдувоҳид Тўраев (Ўза) олган сурат**

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Гага шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Нидерландия Қироллиги ўртасида даромадларнинг икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ва даромад ҳамда капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Конвенция имзоланди. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга янги туртки бўлади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари борасида фикрлар алмашинуви чоғида Голландия номидан ҳужжатни имзолаган Нидерландиянинг молия давлат котиби В. Босс, жумладан, мажур битимни имзолаш хусусидаги музокара амалий вазиятда ўтиб, икки давлатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка бўлган интилишларини яна бир бора ишботлади, деб таъкидлади.

В. Босс, шунингдек, Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон, мустақилликка эришгандан сўнг минтақанинг қудратли савдо мамлақати шухратини қўлга киритмоқда, деди.

Таъкидлаш жоизки, Нидерландия Ўзбекистон билан икки ёқлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик тўғрисидаги шартномани имзолаган ўттиз олтинчи давлат бўлди.

■ «Жаҳон» АА

СОРОС ФОНДИ ҲОМИЙЛИГИДА

Наманган шаҳридаги Нодира номли илмий-оммабоп вилоят кутубхонаси «Интернет» тизимига улангандан сўнг унинг китобхоналари сони 17 минг кишидан ошди.

Кутубхонада шу йил Очiqқ жамият институти Фўмак жамағармаси (Сорос фонди) ҳомийлигида ҳуқуқий-ахборот маркази очилди. Яқинда эса кутубхона халқаро миқёсдаги жаҳон газета ва журналларининг 10 йиллик электрон жамламасини олишга муваффақ бўлди.

— Кутубхонамиз 1918 йили ташкил топган, — деди кутубхона раҳбари Мавлуда Жўрабоева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ҳозирги кунда китобларимиз сони 500 мингдан ортиқ. Кутубхонамиз барча кутубхоналар учун услубий марказ ҳисобланади. Бу ерда вилоят кутубхоначи аёллар уюшмаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий вазифаси кутубхоначилик билан шуғулланувчи аёлларни бирлаштириш орқали вилоятда хотин-қизлар манфаатларини ва оналикни ҳимоя қилишдан иборатдир.

«ОБУНА — 2002»

МУШТАРИЙ ФИКРИ МУҲИМ

Фикр олиш, давр руҳини, истиқлол туфайли қадди кўтарилган, улкан ишларни амалга ошираётган замондошларимиз қалбини англаш учун рўзнома ва журналларни мутолаа қилмай илож йўқ.

— Бу йил ҳўжалигимиз деҳқонлари галла ҳосилдорлигини 60 центнердан оширишди, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли ширкат раиси Бозор Эшдавлатов. — Пахтадан ҳам салмоқли ҳирмон яратдик. Энг муҳими одамларнинг турмуши яхшиланаяпти. Ана шулар ҳақида газетангизда бир неча бор яхши мақола эълон қилинди. Бу йил ҳам «Ўзбекистон овози» кўп хонадонларга кириб келади.

— Хафа бўлманг-у, боғдорчилик, хусусан, узумчилик истиқболлари, тармоқ муаммолари ҳақида таҳлилий мақолалар ёза олмайсизлар, — дейди Китоб туманидаги Каромат Рустамова номли ширкат раҳбари Валижон Ваҳобов. — Олайлик, пахта, галла бир йиллик экин. Аммо тоқ тўрт йилда ҳосилга кирса, ўн йилда катта фойда бера бошлайди. Мен иқтисодчиман. Хар йили ширкат аъзоларининг фарзандларини ўқитиш учун шартномаларга 6-7 миллион сўм маблағ ўтказиш, мактабларни таъмирлашга қўмаклашиш, укувчи ва ўқитувчиларга стипендиялар бера олиш имконияти ҳам тоқзорлар туфайли. Бир гектар

тойифи узум камида бир миллион сўм фойда келтиради. Одамлар ҳақиқатдан чўчимаган рўзномани ҳўш кўради. Сизнинг газетангизга фақат фойда ҳисобидан 30 кишини обуна қиламиз. Оз дейсизми? Бўлади. Чўнки яна бошқа наслрлар ҳам бор...

Валижонни бекорга бир сўзли, қайсар дейишларини ҳам иззор этишди. «Шаҳрисабз консерва» ҳиссадорлик жамияти раиси, Олий Мажлис депутати Неймат Исмоилов рўзномага илоҳси баланглигини айтса, «Яккабоддон» жамоаси раҳбари Фулом Қурбонов бу йил камида 50 киши фойда ҳисобидан обуна бўлишини хабар қилди. «Китоб» боғдорчилик ширкати бу йил фойданинг тағида қолди — узум ниҳоятда мўл бўлди. Галла ҳосилдорлиги кўтарилди. Тагин пахта экиб, туманда биринчи бўлиб режани уддалашди. Ширкат раҳ-

бари Зарип Бурхонов ҳўжаликда рўзномамиз муштарийлари бу йил анча кўпайишини очiqқ айтди. Менга айниқса «Қашқадарёмагнитоавтосавдо» акциядорлик компанияси раиси Уктам Қурбоновнинг мулоҳазалари маъқул тушди.

— Савдо соҳасида вилоятимизда амалга ошаётган ислохотлар рўзномангизда яхши кўрсатиб берилди, — дейди Уктам ака. — Аммо ҳали муаммолар кўп. Ҳўп, бу йил савдо ходимларимиздан камида 200 киши шу газетанга обуна бўлади. Мухлис-лар бундан-да кўп... Бундай гап қулоққа ёқади, албатта. Аммо мен сўноиб кетмадим. Беихтиёр кўнглим гашлана бошлади. Муштарийлар талаби, зеҳни, тафаккури йил сайин ошиб бораётганлиги ҳақиқат. Аммо биз-чи? Улар ис-таётган даражада газета чиқара оламизми? Кўнглини кўтарадиган, журьатга ундайдиган гапни деҳқон дўстларимдан биридан эшитдим: «Сиздан ҳаракат, биздан баракат». Ер шундай деркан. Ер ҳаёт-да. Ҳаёт қонунига биз ҳам бўйсунамиз...

■ Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЭҲТИРОМ

Қорақалпоғистонда ҳам ЎзХДП ташкил топганининг 10 йиллиги кенг нишонланди. Бу диёрда партия аъзолари сони 1991 йилдаги 24 минг 723 дан 45 мингга ошди. Улар республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Йигилиш ЎзХДП Нукус шаҳар кенгаши биринчи котиби Садедбай Нурмановнинг кириш нутқи билан бошланди. ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби А.Асанов «Мақсадимиз — халқимиз манфаати» мавзусида маъруза қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг раиси Темур Камолов йигилиш қатнашчилари ва барча ХДП аъзоларини табриклади.

ХДП Беруний, Кегайли туманлари кенгашлари биринчи котиблари Й.Насурлаев, Е.Хўжановларга, ХДП Тахиятош шаҳар кенгашининг биринчи котиби Д.Дурдиевларга «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раёсатининг «Фахрий ёрлиғи», шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгашининг «Эхтиром китоби»га киририлганларга гувоҳномалар топширилди. Йигилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А.Тожиев, Қорақалпоғистон Республикаси кассаба уюшмалари кенгаши раиси Б.Юсупова қатнашдилар.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОҒАРИН, ЯМАМОТО-САН!

Самарқанд давлат чет тиллар институтида хўшхабар тарқалди. Институтнинг инглиз филологияси факультети 3-курс талабаси Лутфулла Йўлдошев Москва шаҳрида МДХ мамлакатлари талабалари ўртасида япон тили бўйича нотиклик санъати танловида ғолиб чиқди. Танловда Москва давлат халқаро алоқалар институти, Алмати ва Москва университетларининг шарқ тиллари факультетлари каби ўнлаб нуфузли олийгоҳлар талабалари ҳам иштирок этди.

СамДЧТИнинг яна бир талабаси Дилафрўз Хусанова Марказий Осиё талабалари ўртасида нотиклик санъати ғолиби сифатида, Лутфулла эса Москвада курсдоши Азиза Равшанова билан амалиётни ўтаётган эди. Шу бонис, МДХда япон тилининг зўр учта билимдонни самарқандликлар бўлиши. Япон тили СамДЧТИда қўшимча иккинчи тил сифатида ўргатилади. Бу мавза фақат учун, аввало, институт маъмуриятига ва шаҳсан япон тили ўқитувчиси жаноб доктор Ямамото-санга офаринлар бўлсин, деймиз.

■ Эшқобил ВАЛИ

ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

Олтинсой туманида яқин-яқингача қўшма корхона йўқ эди. Тадбиркор Уктам Чориев Молдованинг «Мериаль» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона очиш ташаббуси билан чиқди. Тажрибали, соҳани пухта эгаллаган ишбилармон йигитни туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам Алимов ҳам қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, молдовалик ҳамкорлар билан йилга 5-6 минг тонна узумни қайта ишлаб, вино қadoқлайдиган қўшма корхона очиш ҳақида шартнома имзоланди.

— Олтинсой ўзининг ширин-шакар узуми, қолаверса, хўштам майизи билан ҳам мамлакатимизда машҳур, — дейди Уктам Чориев. — Мақсад заминимиз соҳаватини жаҳонга кўз-кўз қилиш. Қўшма корхона 300 минг доллар эвазига бунёд этилмоқда.

«Мериаль» тўла қувват билан ишта тушгач, 100 дан ортиқ янги иш ўрни юзага келади. Ўн хилдаги сифатли вино маҳсулотлари хорижга экспорт қилинади.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 2001 йил 6 декабрь кунин Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 2 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Мурожаатномаси ҳақида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Ҳўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. «Чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
7. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
8. «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
10. «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамгаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
11. «Чикиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
12. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни тўзиш масаласи юзасидан умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисида.
13. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
14. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

ХРОНИКА

ТЕРРОРЧИЛАР КАЛИФОРНИЯ КЎПРИКЛАРИНИ КЎЗЛАШЯПТИ

Reuters агентлигининг Покистондаги Афғон Ислон матбуоти манбаларига таяниб хабар беришича, толиблар Мозори Шариф шаҳридан 40 км. узоқликдаги Чорболқ қишлоғи атрофида АҚШ ҳаво кўчарига қарашли самолётни уриб тўширишган. Бирок бу ахборот Пентагон томонидан тасдиқланмаган, аксинча рад этилган.

Шомбардимонлар эса асосан шимоллий ҳўдудлар бўйлаб уюштириляпти. Толибларни қуршаб олиш кўнаиб бормоқда. РИА «Новости» тарқатаётган ахборотга кўра, Пентагон Озарбойжон ҳўқуқи бозаридан фойдаланиш борасида музокарадан олиб бормоқда. «Вашингтон Пост» газетаси ёзишича, ҳозир Буш маъмурияти Конгрессдан Озарбойжонга нисбатан эълон қилинган санкцияларни бекор қилишни сўраяпти. Хабарга кўра, Оқ уй маъмурияти Арманистон ҳўқуқати билан ҳам бордада музокарадан ўтказган ва хар икки давлат раҳбарияти ўз ҳаво кенгликларидан фойдаланишга розилик билдиришган. Бу мақсад амалга оширилган бўлса, толиблар позициясини бомбардимон қилиш учун қўшимча анги ҳаво йўлақлари яратилиши мўлжалланган.

Япония ҳам ўз конституциясига маълум ўзгаришлар киритилгандан сўнг АҚШнинг аксилтеррорчилик харакатига минг нафарга яқин харбийлар билан кўмак беришини маълум қилган. Бу ҳақда Asahi газетаси хабар беради. АҚШ харбий разведқаси эса ҳозирча бин Лодин яширинганлиги тахмин қилинган жойларни мутасил назоратда ушлаб турибди. Толибларнинг Покистондаги элчисини Абдул Салам Зайеф берган маълумотга қараганда, анги ҳўқуқат раҳбарлигига номзоди кўрсатилётган Зоҳир Шоҳнинг тарафдорларидан тўрт киши ўлдирилган. Элчининг сўзича, тарафдорлар раҳбари Хамид Карзи Афғонистон ҳўдудига Покистондан кирган ва Зоҳир Шоҳ ташвиқоти билан шуғулланган. АҚШнинг аксилтеррорчилик кураши давом этаётган бир пайтда, террорчилар хуржи босилганча йўқ, Сибир куйдиргиси тарқатишдан ташқари, CNN телекомпанияси бераётган хабарга кўра, террорчилар Калифорнияда кўприкларини портлатишга ҳам тайёргарлик кўришяптган эмиш. Бу ҳақда Калифорния губернатори Грей Дэвис баёнот берган. Ҳозирда Калифорниянинг машҳур кўприкларини кўриқлаш хизмати қўнайитрилган. Британия эса яқинда Россия билан ҳамкорликда Афғонистон аҳолисига хайрия ердими уюштиришни бошламоқчи. Яқин икки ой ичида Афғонистон шимолдаги 9 тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари етказилиши кўзда тутилмоқда.



АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ

Кейинги йилларда аудиторлик тизмида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилди. Бу борада қатор ҳукумат қарорлари, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қўллаб ҳўқуқий-меъририй ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими, фуқароларимизда мазкур соҳа вақиларига нисбатан ижобий муносабат шаклланди.

затиш борасида тавсиялар бериши, иқтисодий алоқаларнинг янги шакл ва услубларини татиқ этиши юзасидан иш юртида. Компания фаолиятининг асосий мақсатини ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти бўйича хизмат кўрсатиши ишларини амалга оширишдан иборат.

лакасини уздуксиз ошириб бориши мақсадида Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда семинар-кенешлар, ўқув курслари ташкил қилинди ва ташкил қилинмоқда.

— Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил ярим йиллик бўйича ҳисобот мажлисида сўзлаган маърузасида аудиторлик фаолиятига алоҳида тўхталиб, «Тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишида аудиторлик фаолиятининг мавқеини янада ошириши керак. Мамлакатнинг шахар ва туманларида ўз филиаллариغا эга бўлган, профессионал, йирик, мустақил умуммиллий аудиторлик компаниялари тузиши вақти келди», деган эди. Президентимизнинг ана шу фикрлари асосида жамоамиз самарали фаолият юртимизда, — дейди компания бош директорининг ўринбосари Сайфиддин Қурбонов. — Ишни тўғри ташкил қилиши, меҳнат самарадорлигини ошириши мақсадида шўба корхоналари ўртасида соғлом рақобат муҳити яратишига ҳаракат қилинмоқда. Келгусида хорижий аудиторлик компаниялари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Бундан бунён ҳам жамоамиз мустақилликни мустаҳкамлаши, молиявий ҳисоботлар ҳисоб-китоблари юртишини яхшилаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ривожланишига эришиши йўлидан бораверади.

«АГРОТАҲЛИЛ» — КўМАКЧИ

«Агротахлил» аудиторлик компаниясининг ташкил топиши ҳам истиқлол билан боғлиқ. Соҳа фаолиятини такомиллаштириши ва уни замон талаблари асосида ташкил этиши юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонлари бажарилишини таъминлаш мақсадида 1996 йилда «Агротахлил» аудиторлик фирмаси ташкил қилинган эди. Жорий йилда мазкур фирма аудиторлик компаниясига айлантирилди.

аудиторлик ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар вилоятларда тегишли вазирилик ва уюшмаларга қарашли 3250 дан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъектларга малакали аудиторлик хизмат кўрсатиб келмоқда. Бевоқифа компания марказий бошқарув аппарати, вилоятлардаги шўба корхоналари ва жойлардаги ташкилотларда махсус аудиторлик малака сертификатига эга бўлган 532 нафар мутахассис самарали фаолият юртимизда. Бу мутахассислар томонидан 2000 йил давомида барча вилоятлар ва турли соҳага иқтисодлашган ҳўжалик юритувчи субъектларда 4200 та аудиторлик текширувлари ўтказилиб, консалтинг хизматлари кўрсатишди. Бу билан молиявий ҳўжалик фаолияти ҳисоботлари ҳисоб-китоблари яхшилашига амалий ёрдам берилди.

«Агротахлил» аудиторлик компаниясининг имкониятлари йил сайин кенгайиб бораётир. Бундан мурожаатлар сонини ортиқ бораётганидан ҳам биллиши мумкин. Энг муҳими, фуқаролар, ташкилотлар ва корхоналар жамоалари мазкур компания мисолида энг яқин ҳамкор ва молиявий кўмакчи сиймосини кўрмоқда.

Бу эса ўз навбатида аудиторлик фаолияти мустақиллигини таъминлаш ва соҳа эгалари ишга татиқ ўтказилишининг олди олинишига олиб келди.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 1930 та ҳўжалик юритувчи субъектга хизмат кўрсатилиб, фаолият юзасидан ҳўсалар тақдим этилди. Бундан ташқари, аудиторлар фаолиятини такомиллаштириши, уларнинг ма-

«Агротахлил» аудиторлик компаниясининг имкониятлари йил сайин кенгайиб бораётир. Бундан мурожаатлар сонини ортиқ бораётганидан ҳам биллиши мумкин. Энг муҳими, фуқаролар, ташкилотлар ва корхоналар жамоалари мазкур компания мисолида энг яқин ҳамкор ва молиявий кўмакчи сиймосини кўрмоқда.

■ Шўхрат ТўПАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

шининг фаол аъзоси ўз жамоасида 2002 йил учун 10 тадан «Ўзбекистон овози» ва «Мулоқот» журнаliga обуна уюштирди. Бу партиямиз 10 йиллигига муносиб совгадир.

■ Эркин ХўЖАЕВ, ЎзХДП Бувойда туман кенгаши биринчи котиби

СОБИРА ТУҒУРУҚХОНА КўРМОҚЧИ

Ўзбекистон туманидаги «Минтут» қишлоғида «Собира» автомобилларга ёниги қўйиши шахобчаси бор. Марказдан олисдаги бу қишлоғида АЁҚШНИ ўтган йил охирида тадбиркор аёл Собира Нажмиддинова ташкил қилган эди. С. Нажмиддинова қисқа муддат ичида «Асака-банк»дан ёниги савдоси шахобчаси қуриши учун олган 3 миллион сўм кредитини қоплаб, корхонасини фойда билан ишлаш бошлашига эришди. Шу кўнларда тадбиркор олган фойда ҳисобидан «Минтут» қишлоғида туғуруқхона қуриши режасида юрибди.

■ Алишер ИБОДИНОВ

Бу йил Сурхондарё воҳаси галлакорлари мамлакатда биринчи бўлиб йиллик шартнома режасини бажардилар. Давлатга 224500 тонна галла ва 5,5 минг тоннадан зиёд уруғлик дон сотишди. Қалбида ўз Ватани ва халқига муҳаббат туйғуси жўш урган, бунёдкорликни ҳаёт мазмуни деб билган фидойи галлакорлар режадан ташқари давлатга яна 15 минг тонна дон етказиб берди.

Галлакорларнинг бу меҳнат галабаси дон қабул қилувчиларни ҳамда уни қайта ишловчиларни руҳлантириб юборди. Зеро, воҳада етиштирилган мўл дон ҳосили ана шу корхоналарда қайта ишланиб, эл-юрт насибаси яратилади-да.

«Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти вилоятдаги донни қайта ишлаб берувчи энг йирик корхонадир. Бинобарин, бу корхонада ҳосилнинг асосий қисми қайта ишланади.

Мазкур корхонада мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги энг улкан тегишморлардан бири ишга туширилди. Илгор хорижий давлатларнинг замонавий технология линиялари келтирилиб ўрнатилди. Натижада тегишморнинг бир кеча-кундузда маҳсулот ишлаб чиқариши қуввати кескин кўтарилди. Айни пайтда акциядорлик жамиятида қунига 450-500 тонна галла қайта ишланмоқда. Ундан ташқари, 110 минг тонна сигимли улкан элеватор ҳам тўхтовсиз ишлаб турибди.

Бугунги кунда жамиятда 1000 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Уларга барча қўлайликлар яратилган. Ишловчиларнинг ҳар бири уй-жой билан таъминланган. Транспорт воситалари ишчи-хизматчиларнинг узогини яқин қилмоқда. Уртача маош эса 20-25 минг сўмни ташкил этаётир. Бундан ташқари йил якунига кўра яхшигина дивиденд ҳам олмақдалар.

Корхона ҳудудида тиббиёт хизмати йўлга қўйилган. Ошхоналар ишлаб турибди. Моддий манфаатдорлик ортиб борган сари ишчи-хиз-

матчилар янада яхшироқ меҳнат қилишмоқда. Ўтган 9 ой ичида акциядорлик жамиятида 52 минг тонна ун, 500 тонна макорон ишлаб чиқарилди. Шуниси қувончлики, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифат жиҳатдан ажралиб туради. Шу боис ҳам олий, биринчи ва иккинчи навли

кил этди. Устига-устак аҳолига уч миллион сўмликдан зиёд пуллик хизмат кўрсатилди. Дарвоқе, витеминли ўт уни ишлаб чиқариш линиясини ҳам ишга туширдик. Ушбу линияда атроф чўллардан йиғиб келинган янтоқ қайта ишланади. Тўйимли озуқа сифатида чорвадорларга етказиб берилаяпти.

Келажақда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришимиз зарур. Айни пайтда қишга тайёргарлик ишларини охирига етказамиз. Авваламбор темир йўллари, омбухоналарини яхшилаб таъмирдан чиқардик. Қозонхона, электр тармоқларини таъмирлаш ҳам шулар жумласидандир. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш бўйича ҳам бир мунча ижобий ишларга эришилмоқда. Масалан, 2000 йил якунлари бўйича номинал қўймати 1000 сўм бўлган

ИСЛОХОТ ВА МАСЪУЛИЯТ



ЭЛ РИЗҚИНИ ЯРАТАЁТГАНЛАР

ҳамда «Ўзбекистон» унлари харидордир. Корхонада асосий маҳсулот — ундан ташқари, қатор бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, булар ҳам таҳсинга лойиқ. Масалан, ўтган 9 ой мобайнида 21 минг тонна аралаш озуқа ишлаб чиқарилди. Бундан ҳўжаликлар, фермерлар ҳамда аҳоли мамнун бўлмоқда.

Корхонамизнинг ёрдамчи ҳўжалиги ҳам мавжуд, бу ерда 100 бош қорамол, 90 бош қўй боқилмоқда. Сут ва гўшт маҳсулотлари ишчилар ошхонасига етказиб берилмоқда. Ўтган 9 ой мўддатда 150 миллион сўм соф даромад олинди.

Хозирги пайтда корхонамиз қосида 2 та 140 ўринли болалар боччаси ишлаб турибди. Ишчи-хизматчилар учун профилакторий ҳам мавжуд. Даромадга яраша буромад деганларидек, корхонамизда ишлаб топилган соф даромад ҳисобидан хайрия тадбирларига ҳам маблағ сарфланаётир. Масалан, Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган «Шўрчи» футбол жамоасига доимий равишда хомийлик ёрдами кўрсатиб келинапти.

Бугунги кунда қишлоқ меҳнат аҳлини иш билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб турибди. Корхонада бу муаммони баҳоли қудрат хал қилишга киришилган.

Акциядорлик жамиятида бор имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун мавжуд техника воситаларини кўра қорачиғидек асраш мўҳимдир. Шу боис ҳам корхонадагилар авваламбор меҳнат интизомини мустаҳкамлашмоқда.

Ҳа, ишлаб чиқариш жараёнида барча имкониятлардан фойдаланиб, аниқ маромада ишлаётган корхона жамоаси янги асринг дастлабки йилини муваффақиятли якунлашга интилимқода.

— Замон ҳар бир ишлаб чиқарувчи зиммасига катта вазифалар қўймоқда, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Ҳасан Нурматов. — Айниқса, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мўҳим ҳисобланади. Мабоодо, бирон-бир дастгоҳ ёки технология линия бузилиб қолса, ўзга ерлардан уста қидириб материаллари йўқ, Мохир усталар шу корхонанинг ўзида мавжуд бўлган маъқул. Бу ана шу йўлдан бормоқда.

■ Шўхайёр МИРҲАБИВОВ, Миробхатёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

МИННАТДОРЧИЛИК

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Истиқлол мулкка эгаллик ҳўқуқини қайтариб қафолатлагани яхши бўлди. Хусусан, қисқа фурсатда қишлоқ жойларида минглаб ишбилармон миришкорлар дехқон-фермер ҳўжаликлари тузиб, ердан мўл ҳосил олиб, иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришига ўз улушларини қўша бошладилар. Бу янгилик ўз самарасини бердики, эндиликда хусусий секторда етиштирилатган ҳосил салмоғи, сифати билан ажралиб туради. Бу эса фаровон турмуш тарзига замин бўлмоқда.

Истиқлол мулкка эгаллик ҳўқуқини қайтариб қафолатлагани яхши бўлди. Хусусан, қисқа фурсатда қишлоқ жойларида минглаб ишбилармон миришкорлар дехқон-фермер ҳўжаликлари тузиб, ердан мўл ҳосил олиб, иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришига ўз улушларини қўша бошладилар. Бу янгилик ўз самарасини бердики, эндиликда хусусий секторда етиштирилатган ҳосил салмоғи, сифати билан ажралиб туради. Бу эса фаровон турмуш тарзига замин бўлмоқда.

Зеро, мулкка эгаллик ҳўсиси ҳамма жойда ҳам бирдек қўллаб-қувватланмоқда, деб бўлмайти. Айрим маҳаллий раҳбарларнинг узоқни кўролмастиклари оқибатида бошланган эзгу иш ниҳояланмагани, турли тўсиқлар туфайли айримларнинг ишдан кўнгли совиб кетгани ҳам сир эмас.


Амалдаги ҳосил йилида ерларга пахта ва шолни эқдик. Режалати ўн тонна пахта топшириш шартномасини удаладиқ. Тағин саккиз тонна сара шолни уруғлиги етказишимиз керак. Сув тақчил шароитда бу режани ҳам удалаш арафасидамиз.

Бу савдонни биз ҳам бошдан кеңирдик. 1994 йили оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб фермер ҳўжалиги ташкил қилгандик. Рафиқам Шарифа Собирова раҳбар бўлган «Бобо» фермер ҳўжалигимиз асосан чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланганди. Дастлабки йиллари ишлар яхши кетди, шартнома режаларини бажардик. Аммо икки йилдан сўнг бизга берилган ер майдонини асоссиз равишда тортиб олиб, хонадонларга иморат қуриш учун сотиб юборишди. Қонуний еримизни олиш учун бош урмаган идора-

Иддаомизга эътибор қаратиб, бизнинг қонуний ҳўқуқимизни ҳимоя қилиб чиққан газета таҳририятига ҳамда ҳозирда фермерларга ҳар томонлама ёрдам бераётган туман ҳокимига миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

■ Каримбой СОБИРОВ, Хоразм вилояти Гурлан тумани И. Холметов номили ширкат ҳўжалиги

НАМОЙИШЧИЛАР ТАЛАБИ Маълумки, Грузия Президентини Эдуард Шеварднадзе ҳукумат аъзоларига тўлалигича истеъфо берган эди. Шу муносабат билан мамлакатда намоийшлар бўлиб ўтмоқда. Интерфакс хабарича намоийшчилар президент ҳам истеъфо берилишини талаб қилишмоқда.



ПОЕЗД ПОРТЛАТИЛДИ Итар-таес маълумотига кўра, чечен жангарилари Чеченистонда юк-товар поездини портлатиб юборишган. Ҳозирча қурбонлар ва портлаш тафсилюти ҳақида аниқ маълумот йўқ.

РАМСФЕЛД ХИНДИСТОНГА БОРАДИ АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд 5 ноябрь кунини Хиндистонда расмий таширф билан бўлади. Хиндистон мудофаа вазири Билан бўладиган учрашув узларо ҳарбий ҳамкорликка бағишланади.

ЯКУНИЙ УЧРАШУВ Кейинги ҳафтада АҚШ Президентини Жорж Буш ва Британия бош вазири Тони Блэр ўртасида учрашув бўлиб ўтади. Блэр бу учрашувга ўзининг яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган сафарининг натижалари билан келди. Бунгача у Ариэл Шарон, Есир Арофат ва Иордания қироли Абдулла II билан учрашув ўтказганди.

ФЕДЕРАЛ КўШИН ҚўРБОНЛАРИ Россия президенти ахборот хизмати берган маълумотга кўра, Чеченистондаги уруш оқибатида 1999 йилнинг 1 октябридан бошлаб 2001 йилнинг 10 октябрига қадар федерал қўшинлардан 3438 киши ҳалок бўлган, 11661 киши жароҳатланган.

ОЛИЙ СУД ИШ БОШЛАЙДИ Сибир қудиргиси топилганлиги боис шунинг билан тўхтатган АҚШ Олий суди яна фаолият бошлаган. Бу Олий суднинг 1935 йилдаги фаолиятиндан бунён биринчи марта тўхтатилиши эди. Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар беради.

РАНГДОР СОВУНЛАР

«Анжигонёғмоё» акциядорлик жамиятига жаҳон аңдорларига мос, ёғлиги 65 фоизли ҳамда қатор афзалликларга эга ҳўжалик совунини ишлаб чиқарила бошлангди. Бежирим 200 грамми қадоқланган янги маҳсулотдан 40 тоннаси савдо соҳасидаги ҳамкорларга етказиб берилди.


— Бозор ва харидор эҳтиёжини ўрганиб, янги хил совунлар тайёрлашга эришдик, — дейди бош технолог Абдуманноб Юсупов. — Ҳар ойга 500 тонна харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, совунларни турли рангларда тайёрлаш ҳам қўзда тутилган.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Қарши шахридаги вилоят тиббий тахис маркази ва шифохонаси 1987 йилдан бунён фаолият кўрсатмоқда. Унда функционал тахис қўйиши, поликлиника, сурология, лаборатория, оила ва никоҳ, гинекология, нейрохирургия, терапия ва бошқа бўлимлар мавжуд. Ушбу марказ замонавий тахис услулари ва воситаларини тиббиётга татиқ этиши баробарида беморларга малакали тиббиёт хизматини кўрсатмоқда. Шунингдек, шахар ва туман шифохоналарида мутахассисларни тайёрлаш ва амалий методик ёрдам кўрсатиши ҳам бош-қош. Айни чоғда бу ерда қўллаб юқори малакали шифокорлар меҳнат қилмоқда.

Суратларда: 1. Олий тоифали шифокор Умирзоқ Жўраев Беморга тахис қўймоқда. 2. Лаборантлар (ўнган) Норгул Йўлдошева ва Зулайхо Хидирова.



ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕРЛАР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ БўЙИЧА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ БУЮРТМАЧИЛИГИДА

капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни амалга ошириши, бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, қурилиш ишлари сифатини яхшилаш ва қайтатини пасайтириш мақсадида 2002 йилда давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан қурилиш режалаштирилган қишлоқ врачлик пунктлари ва қайта таъмирланиши (реконструкция) мўлжалланган касб-хўнар коллежлари учун очик

ТЕНДЕР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ ТАНЛОВДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН КАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ВА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР КАТНАШИШИ МУМКИН.

Table with 4 columns: №, Иншоотнинг номи ва манзили, Лойиҳа бўйича қуввати, Фойдаланишга топшириш мўддати. It lists various construction projects and their details.

Пудратчи ташкилотлар: Молиявий барқарорликка, касбий тажрибага, техник таъминланган, етарли ишчи қучларига эга бўлиши шарт.

Савдода катнашиш истагини билдирган ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб савдо ташкилотчиси — Республика тендерларни ташкил этиш бошқармасининг Қашқадарё вилоят филиалига яқшанба кундан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Бир комплект тендер ҳўжатлари нархи — 20000 сўм. Манзил: Қарши шахри, Хонобод шоссеси, 5-уй, «Нефтьгазсанаятқурилиш» трести биноси, 4-қават. Тел/Ҳах: 8(37522) 4-46-37.

DUSHANBA 5

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.50 «Ўзбекистон» на мойиш...

10.20 "Мультишоша"

10.20 "Мультишоша" 10.35 "Сизнинг ҳаёти" 11.30 "Жаҳон журналистика" 12.20 "Давр" news...

19.45 "Авто-News"

19.45 "Авто-News" 20.20 ТТВда сериал: "Селеста" 21.35 "Бобур"...

CHORSHANBA 7

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи...

21.05 Концерт

21.05 Концерт 21.35 «Ёзуви ва замон» 22.00 «Олам»...

20.10 "Очил дастурхон"

20.10 "Очил дастурхон" 20.25 Келин, қулишайлик 20.30 Чампион сирлари...

18.10 "Бугун оламда"

18.10 "Бугун оламда" 18.15 "Ким миллионер бўлишни истайди?"...

SHANBA 10

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи...

12.45 Internet-Ozmi

12.45 Internet-Ozmi 13.00 "Ҳақиқат чегараси" 13.25 "Қаҳқар"...

12.05 "СН янгиликлари"

12.05 "СН янгиликлари" 12.15 "Инглиз тили Сиз учун"...

9.00 Дастурнинг очилиши

9.00 Дастурнинг очилиши 9.05 11.30 "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган"...

ХУСУСИЙ ФИРМА Кишлоқ хўжалиги тракторлари ва юк автомобилларининг аккумуляторлари, шиналари ва эҳтиёт қисмларини...

SESHANBA 6 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи...

PAYSHANBA 8 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи...

JUMA 9 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи...

YAKSHANBA 11 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.45 17.55 ТВ-маркет 8.40 Газетлар шарҳи...

9.00 Дастурнинг очилиши 9.05 11.30 "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган"...

«АГРОМАШСЕРВИС» УЮШМАСИ «ТРАКМАШТАР» ОАЖ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ ТАҚЛИМ ЭТАДИ

ШҮҶРА ТУМАНИДАГИ ШҮҶРА-2530 АВТОКАМЛАНМАСИГА ТЕГИШЛИ КҮЙИЛДИ АВОТЛИНЕНЗИЯ КАРТОЧКАЛАРИ:

ОЛАМДА ДУВ-ДУВ ГАП

СОБИК МИЛИЦИОНЕРЛАР БИРЛАШАДИ

Исроилда собиқ иттифок муҳожиридан ташкил топган ассоциация тuzилди. Ушбу ташкилотнинг аъзолари асосан собиқ иттифок давлатларида ички ишлар ва ёки бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларда ишлаган фуқаролардан иборат...

ЧЕКИШ — КҮРИШНИ СУСАЙТИРАДИ

Янги Зеландияда бўлиб ўтган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатдаги 1300 дан ортиқ фуқаронинг чекиш асорати натижасида кўриш қобилияти заифлашган...

ШҮҶРА ТУМАНИДАГИ ШҮҶРА-2530 АВТОКАМЛАНМАСИГА ТЕГИШЛИ КҮЙИЛДИ АВОТЛИНЕНЗИЯ КАРТОЧКАЛАРИ:

Table with columns for license numbers and names: AT № 0000585, 1. 0023929, 2. 0023936, 3. 0023937, 4. 0023938, 5. 0023951, 6. 0023971, 7. 0023972, 8. 0023973, 9. 0023975, 10. 0023978, 11. 0023980, 12. 0023988, 13. 0023990, 14. 0023988, 15. 0023990, 16. 0024002, 17. 0024005, 18. 0024006, 19. 0024007, 20. 0024010, 21. 0024025, 22. 0024027, 23. 0024028, 24. 0024029, 25. 0024030, AT № 0000228, AT № 0000372, 1. 0024003, 2. 0024079, 3. 0024079, AT № 0000792, 1. 0024003, 2. 0024079, 3. 0024079, AT № 0000228, 1. 0024003, 2. 0024079, 3. 0024079

